2014 йил 5 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (12.649)

Баҳоси эркин нархда

Ёшлар — келажагимиз

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ИЛМ-ФАН ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАБ

***Ёшларни миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ахлоқий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тушунчаларини бойитишда китоб муҳим ўрин тутади.***

1-Тошкент юридик коллежида 2548 нафар илмга чанқоқ, заковати теран ўқувчи-ёшлар — эртанги кун эгалари ҳуқуқшунос (юрисконсультант ёрдамчиси, суд ижрочиси, адвокат ёрдамчиси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш инспектори, нотариал идораларда иш юритувчи референт, ходимлар инспектори) ҳамда хўжалик масалалари бўйича ҳуқуқшунос сингари йўналишлар бўйича таҳсил олишмоқда.

Коллежнинг ахборот-ресурс маркази ўқувчилар билан доимо гавжум. Мингдан зиёд турли бадиий, илмий ва ўқув адабиётлари ёш авлод маънавиятини юксалтириш, билимларини бойитишга хизмат қилади. Бу масканда ўқувчиларга китобнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаёт билан ҳамоҳанглиги, асарнинг бош ғояси, кульминацион нуқтаси ва ечими, тарбиявий аҳамиятини тўғри ва теран англаш, асардаги бош қаҳрамонларга бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо бериш, Президент асарлари мутолаасидан олган тушунчаларини мустаҳкамлаш борасида 116 нафар устоз-мураббийлар сабоқ бериб келишмоқда.

Мазкур коллежда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг бош мақсади ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил юртга, унинг тарихи, маданияти, бой маънавий-маърифий меросига содиқлик, ғурур, эътиқод ҳисларини шакллантиришдан иборат. Асосий эътибор зукко, ташаббускор, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган маънавий баркамол, сиёсий етук, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини тушунадиган, малакали ҳуқуқшуносларни тайёрлашга қаратилмоқда.

Жамиятда муносиб ўрин эгаллаш ўқиб-ўрганиш, олға ҳаракат тинимсиз изланиш ва интилишни талаб этади. Бу йўлда ўқувчиларга юксак парвоз ва жўшқин ғайрат тилаймиз.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**СУРАТДА: коллежнинг илмга чанқоқ зукко ёшлари**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

## ИЗЛАНИШ ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

***Хабар берилганидек, «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.***



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор соҳа вакилларининг ижтимоий масъулиятини теран ҳис этиши ва касб маҳоратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Туркистон» саройида 2 май куни журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, фахрий журналистлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига айлантириш, журналистларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур имконият ва шароитларни яратиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистика равнақида ҳам янги босқични бошлаб берди. Мазкур Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир миллий қонунчилик муттасил такомиллашмоқда. Бу фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори медиа тузилмалар фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда, улар фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда. Мамлакатимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш – доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган қатор лойиҳалар, грант танловлари ОАВ таҳририятлари, нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

***Мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш йиллари халқимиз ҳаётида ғоят масъулиятли босқич бўлди. Бу давр ҳақиқий ватанпарварларни, қаҳрамонларни юзага чиқарди.***

Шундай фидойи инсонларнинг азму шижоати, билим ва салоҳияти, халқимизнинг хоҳиш-иродаси эвазига мамлакатимиз ҳар жабҳада юксак марраларга эришмоқда. Бунга улкан ҳисса қўшаётган юртдошларимизнинг меҳнати муносиб қадрланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1994 йил 5 май куни таъсис этилган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари билан ана шундай фидойи инсонлар тақдирланаётгани уларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътибор ифодасидир.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони мамлакатимизнинг олий даражадаги мукофоти бўлиб, давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона хизматлар учун берилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади.

«Олтин юлдуз» медали саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлиб, медаль марказидаги доира ичида давлатимиз гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган. Бу олий нишон кўкракнинг чап томонига, барча орден ва медаллардан юқорига тақилади.

Ўтган йиллар мобайнида ўнлаб юртдошларимиз ушбу юксак мукофот билан тақдирланди. Улар орасида давлат ва жамоат арбоблари, фан, таълим, маданият, адабиёт намояндалари, саноат ва қишлоқ хўжалиги вакиллари бор. Халқимиз бу инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қарайди. Эзгу ишлари, фидокорона хизматларини ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ватанимиз орден ва медаллари мазмун-моҳияти билан ҳам, ташқи кўринишию жозибаси билан ҳам ҳавас қилгулик. Уларнинг номида ва шаклида биз танлаб олган йўл, буюк мақсадларимиз, хоҳиш-иродамиз, Ватан ва миллатга муносабатимиз ифода этилгандир.

«Мустақиллик» ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар тақдирланади.

Ушбу орден билан Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. Хусусан, миллий давлатчилигимизни шакллантириш, маданий ва маънавий ҳаётимизни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланган.

Осойишталик, тинчлик-тотувлик бўлган жойга қут-барака инади, дейди халқимиз. Мамлакатимиздаги бугунги тўкинлик ва фаровонлик ҳам, аввало мбор, тинчлик, аҳиллик ва барқарорлик туфайлидир.

Юртимизда барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналари ривожланиши учун барча шароит яратилган. Шу боис улар аҳил-иноқ, ҳамкору ҳамқадам бўлиб ҳаёт кечирмоқда.

Бу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон халқининг бошқа халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсонлар «Дўстлик» ордени билан мукофотланади. Унинг соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳам борлиги ушбу мукофотнинг юксак нуфузидан далолатдир.

Юртимиз тинчлигини, халқимизнинг хотиржам ва фаровон ҳаётини таъминлаш миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бу йўлда мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди.

«Жасорат» медали ана шундай олижаноб ишларнинг юксак эътирофидир. Мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида жасорат кўрсатган кўплаб юртдошларимиз ушбу медаль билан тақдирланган.

Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Аждодларимиз илм-фан, маданият, адабиёт ва бошқа соҳаларда оламшумул ютуқларга эришган. Бугунги ёшлар уларга муносиб ворис, баркамол инсонлар бўлиб етишишдек эзгу мақсад билан яшаётир. Уларнинг орзу-интилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. «Шуҳрат» медали мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшаётган юртдошларимиз меҳнатига муносиб рағбат бўлмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, орден ва медалларни ишлаб чиқариш масаласи муайян иқтисодий омилларни, катта масъулият ва эътиборни талаб этади. Чунки орден ва медаллар ишлаб чиқариш технологияси ҳамма мамлакатда ҳам мавжуд эмас. Кўпгина давлатлар ўзининг фахрий нишонларини бошқа мамлакатларда зарб эттиради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимизда бу соҳада ҳам зарур ҳуқуқий, ташкилий асослар яратилди. 1991 йил октябрда «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Президентимиз томонидан 1994 йил 2 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ушбу корхонада мамлакатимизнинг орден ва медаллари, фахрий унвонларининг нишонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Давлатимиз мукофотларининг асосчиси ва муаллифи Президентимиз Ислом Каримов, – дейди мазкур корхона бош директори, академик Муҳсин Ашуров. – Юртбошимиз ҳар бир орден ва медалнинг номи, шакли, мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Уларда нималар тасвирланиши, ҳатто лентаси қандай рангда бўлиши кераклигигача белгилаб берди. Ватанимизнинг шундай чуқур маъно-мазмунга эга мукофотларини ишлаб чиқариш корхонамиз жамоаси учун улкан шараф, айни чоғда юксак масъулиятдир.

Бугунги кунда «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасида орден ва медаллар, фахрий унвонларнинг нишонларини зарб этиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Корхона жамоаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз орден ва медалларини тайёрлаб келмоқда. Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган, мутахассисларнинг кўз нури, қалб қўри синган гўзал орденлар, медаллар ва кўкрак нишонлари юртдошларимиз кўксини безаб турибди.

Ҳар бир инсон, аввало, оиласининг, фарзандларининг бахту саодати учун яшайди ва меҳнат қилади. Унинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, муваффақиятлари жамиятга, элу юртга ҳам наф келтиради. Ватанга қилинган фидокорона хизмат инсоннинг ўзига яхшилик бўлиб қайтади.

Элу юртнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб, кўксига орден ва медаллар таққанда кишининг боши осмонга етади. Зеро, мамлакатимизнинг давлат мукофотлари элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий даража, олий қадриятдир!

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бухорода «Келажагимиз баркамол ва соғлом авлод қўлида» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, «Олима» хотин-қизлар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

**• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Менинг бизнес ғоям» республика танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 100 нафар битирувчиси ўз бизнес лойиҳа ва ғоялари билан қатнашди.**

**• Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.**

**• Навоий шаҳрида Хитойнинг «SSK textile machinary» халқаро савдо компанияси ҳамда мамлакатимизнинг қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, электроника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди. Биржа доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасида қарийб 1 миллиард 200 миллион сўмлик ҳамкорлик шартномалари имзоланди.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди ва унда 15 та корхона ҳамда ташкилот 47 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида ўттиздан зиёд фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Панамада бўлиб ўтган президент сайловларида Хуан Карлос Валела ғалаба қозониб, кейинги беш йил муддат давомида давлат раҳбари вазифасини бажарадиган бўлди.**

**• Япониянинг Токио шаҳрида магнитудаси олти балли ер қимирлаши натижасида камида 12 киши жабрланди. Ер силкиниши шунингдек, мамлакатнинг 26 та музофотида ҳам қайд этилди.**

**• Гаитининг жануби-ғарбидаги Розо шаҳрида йўловчилар билан тўла автобуснинг жарга қулаши натижасида камида 17 киши ҳалок бўлди. Улар орасида икки нафар бола ҳам бор. Турли даражада тан жароҳатлари олган 20 нафар йўловчи зудлик билан касалхоналарга ётқизилди.**

**• Американинг Провиденс шаҳридаги цирк томошалари чоғида мураккаб номерни ижро этиш пайтида 11 киши жабрланди. Гап шундаки, гимнастикачи қизлар юқорида фақат бир-бирларининг сочларига туташган ҳолда номерни бажараётган чоғларида улар таянаётган ҳавозаларнинг бузилиб кетиши натижасида 8 нафар қиз 12 метр тепадан пастда йиқилиб тушди. Бундан ташқари, пастда турган раққос ва яна 3 киши жиддий жароҳат олди.**

# ИЗЛАНИШ ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, «Uzreport» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов соҳа ходимларининг фаоллигини янада ошириш, уларда изланувчанлик, ишга ижодий ва талабчанлик руҳида ёндашувни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2006 йилдан буён ўтказилаётган мазкур танловда 4 минг нафарга яқин журналист 50 мингдан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик материали билан иштирок этди. 194 нафар журналист «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиби бўлди. 48 нафар ижодкор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

Телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган бу йилги ижодий лойиҳада ўн учта – битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган. Танлов учун мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган 490 дан ошиқ журналистдан 7500 га яқин ижодий иш келиб тушди. Уларни баҳолашда танқидий ва таҳлилий чиқишларга, ҳаёт ҳақиқати холис акс эттирилган, ижодий изланувчанлик асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва бегона бўлган зарарли ахборотлар хуружидан ишончли тарзда ҳимоялашга, мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, бу йўналишда кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликларнинг мазмун-моҳияти атрофлича таҳлил этилган материалларга алоҳида аҳамият берилди.

Танловни ташкил қилиш, ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун маблағ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканали журналистика соҳасида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиқ деб топилди. Телеканал махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

– Юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш авлодда соғлом ва теран тафаккурни шакллантиришга улкан эътибор қаратилмоқда, – дейди «Маданият ва маърифат» телеканали директори Воҳид Луқмонов. – Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида барча соҳалардаги ислоҳотлар самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланган. Президентимиз ташаббуси билан «Маданият ва маърифат» телеканали ташкил этилиб, бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётгани мазкур соҳа равнақига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Буларнинг барчаси зиммамиздаги масъулиятни теран англашга, ёш авлодда соғлом маънавиятни шакллантиришдек шарафли ишга янада жиддий ёндашишга ундайди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолибларига диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

Шу ўринда ушбу танловга қизиқиш халқаро ташкилотларда йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бу йилги танловда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ахборот маркази, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури – ЮНЭЙДС, Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АҚШ), «Регионал диалог» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан иштирок этди. Тантанали маросимда бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ



Сарвар Ўрмонов олган суратлар

**Журналистика соҳасида**
**Бош миллий мукофот**

**ЎзМТРК «Маданият ва маърифат» телеканали** — директори Воҳид Луқмонов

Ўзбек халқининг бой маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш, юксак маънавиятли, мустақил фикрли, кенг дунёқарашли ёшларни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, миллий қадриятларимизга бўлган эътибор, мамлакат маданий ҳаётидаги янгиланишларни кенг ёритгани учун

**Асосий мукофотлар**

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

*1-ўрин:*

**Гулҳида Жўраева** — «Yoshlar» телерадиоканали қошидаги «Болажон» телеканалининг Мусиқий ва маърифий-ўйинли теледастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари вазифасини бажарувчи

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» доирасидаги миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга ёшларни вояга етказишга қаратилган теледастурлари учун

*2-ўрин:*

**Барчиной Жўраева** — ЎзМТРК «O`zbekiston» телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар ва долзарб муаммоларга бағишланган «Биз учун муҳим» туркумидаги ток-шоулари учун

*3-ўрин:*

**Ёлқин Оқбўтаев** — Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телегуруҳининг махсус мухбири

Вилоятда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни ва бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги кўрсатувлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

*1-ўрин:*

**Мавжудахон Оппоқхўжаева** — ЎзМТРК «O`zbekiston» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақидаги таҳлилий эшиттиришлари учун

*2-ўрин:*

**Зафар Турсунов** — «Пойтахт» радиоканали директори

Республикамиз пойтахти ҳаётининг муҳим воқеалари ҳақидаги ахборот дастурлари, долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий эшиттиришлари учун

*3-ўрин:*

**Гуларем Жумагалиева** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Хабар» ахборот-таҳлилий дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

Қорақалпоғистон ёшларининг бугунги ҳаёти, ютуқ ва муаммолари тўғрисидаги «Парвоз» туркум эшиттиришлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):**

*1-ўрин:*

**«Соғлом авлод» газетаси таҳририяти** — бош муҳаррири Фахриддин Ҳайитов

Мамлакатимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, тиббий маданиятни ошириш, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни кенг ва таҳлилий ёритгани учун

*2-ўрин:*

**«Ватанпарвар» газетаси таҳририяти** — бош муҳаррири Алижон Сафаров

Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган, Ўзбекистон Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги материаллари учун

*3-ўрин:*

**Замирахон Хўжамбердиева (Рўзиева)** — «Миллий тикланиш» газетасининг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири

Миллий ғурур ва қадриятларимиз, анъана ва удумларимиз, халқимизга хос бағрикенглик ҳақидаги публицистик мақолалари учун

**Энг яхши журналистик материал учун**
**(Интернет-журналистика):**

*1-ўрин:*

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг «uza.uz» веб-сайти** — бош муҳаррири Бунёд Абдуллаев

Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни турли тилларда атрофлича ёритгани учун

*2-ўрин:*

**«uz24.uz» веб-сайти** — бош муҳаррири Аброр Исмоилов

Мамлакатимизда ва чет элларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

3-ўрин:

**Жонибек Мусаев** — «UzReport.com» веб-сайти мухбири

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги янгиликлар, халқаро алоқалари ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

**Халқаро ва жамоат ташкилотларининг**
**рағбатлантирувчи мукофотлари:**

**БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**«Радиода Мингйиллик ривожланиш мақсадлари мавзусининг ёритилиши»**

**Лаззат Есемуратова** — «Нукус-FM» радиоканали директори

**ЮНЕСКО**

**«Барқарор ривожланиш мавзуси ёритилган энг яхши материал учун»**

**Тоштемир Худойқулов** — «Ўзбекистон овози» газетасининг Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими мухбири

**ЕХҲТ**

**«Рақамли технологиялар даврида замонавий жамият ва ахборот журналистикаси»**

**«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририяти** — бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Шуҳратжон Охунжонов

**ЖАҲОН БАНКИ**

**«Глобал иқлим ўзгариши муаммолари ёритилган энг яхши материал учун» (қишлоқ хўжалиги ва иссиқлик самарадорлиги масалалари)**

**Озод Очилов** — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси гуруҳ раҳбари

**UNAIDS, UNICEF, UNFPA ВА ОИТСга ҚАРШИ КУРАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ**

**«ОАВнинг ОИВ-ОИТС масалалари бўйича жамоатчилик мулоқотини фаоллаштириш ва аҳолининг хабардорлигини оширишдаги роли ёритилган энг яхши материал учун»**

**Сурия Магдеева** — «Наманганская правда» газетасининг махсус мухбири

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИ (АҚШ)**

**1. «Давлат органларининг ўз фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини кучайтириш борасидаги ишлари ёритилган энг яхши материал учун»**

**Сайёра Ербаева** — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастурлари бош муҳарририяти шарҳловчиси

**2. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича долзарб муаммолар ечимини топишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун»**

**Санобар Боймуродова** — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

**3. «Журналистикада ижтимоий масалаларни ёритишда инновацион ечим ва ёндашувлар»**

**Хушнуд Худойбердиев** — Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

**«РЕГИОНАЛ ДИАЛОГ» ХННТ (Словения)**

**1. «Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши материал учун»**

**Гули Нигор Авазова** — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти мухбири

**2. «Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотларининг бориши ёритилган энг яхши материал учун»**

**Хуршида Турсунбоева** — «Тошкент ҳақиқати» газетаси мухбири

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши**

**1. «Соғлом бола йилига бағишланган энг яхши материал учун»**

**Мардон Эсонбоев** — «Болалар дунёси» газетаси муҳаррири ўринбосари (Наманган вилояти)

**2. «Ижтимоий шериклик фаолияти ёритилган энг яхши материал учун»**

**Екатерина Соболева** — Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

**1. «Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун»**

**Аббосхон Усмонов** — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири

**2. «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун»**

**Ирина Баранова** — «Trend» ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири (Озарбайжон Республикаси)

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 2014 йилдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди.***

2013 йилда O`zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 700 га яқин тадбир ўтказилиб, уларда 60 мингдан зиёд партия фаоллари, электорат ҳамда аҳоли кенг қатламлари вакиллари иштирок этди.

Ёшлар ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида Республика Марказий банки, Савдо-саноат палатаси ва етакчи тижорат банклари билан ҳамкорликда «Диплом билан бизнесга», «Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага», «Ишбилармон талаба» каби лойиҳалар доирасида 100 дан зиёд тадбирлар ўтказилди, уларда 15 мингдан ортиқ иштирокчининг бизнес кўникмалари ва ҳуқуқий маданияти оширилди. Мазкур лойиҳаларда энг фаол иштирок этган ғолиблар тижорат банклари томонидан 500 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесларини бошлашга муваффақ бўлдилар.

Йиғилишда 2014 йил — «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасидаги устувор вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан тегишли йўналишлар белгилаб олинди.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда партиялараро рақобатни янада кучайтириш, шунингдек уларга қўйиладиган талабларнинг ортишини белгилайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда партия депутатлик корпуси фаолиятини ва фаол жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимлар тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши ва улар бўйича халқ депутатлари Кенгашларининг тегишли қарорлар қабул қилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса депутатлик назорати, эшитуви ва сўрови йўналишларидан мукаммал фойдаланган ҳолда аниқ мақсадларга эришиш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадбирда 2014 йилда асосий эътиборни бўлажак сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш, кенг аҳоли қатламлари, сайловчилар орасига кириб борган ҳолда уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, мавжуд долзарб масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечими бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш, энг асосийси, сайловчиларнинг ишончини қозониш долзарб вазифа сифатида қайд этилди.

Тадбирда шунингдек, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни хусусий бизнесга жалб этиш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш, жисмонан ва маънан соғлом, юқори малакали, мамлакатни янада ривожлантириш масъулиятини ўз зиммасига олган ёш мутахассисларни тарбиялашга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

***Жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказиш мақсадида мамлакатимизда изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Жорий йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши ҳам келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Яқинда Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти клиникасига Жанубий Кореядан шифокорлар ташриф буюришди. Қувонарлиси, маҳаллий ва Жанубий кореялик шифокорлар иштирокида бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Айниқса, юрагида туғма нуқсони бўлган болаларга аниқ ташхис қўйилиб, жарроҳлик амалиёти асосида тиббий хизмат кўрсатилганлиги қувонарли ҳолдир. Бундан ташқари тиббий ёрдамга муҳтож айрим болажонлар Жанубий Корея шифохоналарида даволанадиган бўлди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан амалга оширилаётган бу каби хайрия тадбирларидан аҳолининг мамнун бўлаётганлиги мутасадди ташкилотларни савоб ишларни доимий тарзда бажаришга ундаши аниқ.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Дастурнинг 4-бандида ёшларни давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Олий Мажлис палаталарига ташрифлар уюштириш белгиланган.***

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан бир гуруҳ ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ташрифи ташкил этилди. Ташриф доирасида «Ёшларга оид давлат сиёсатининг қонуний асослари» мавзусида давра суҳбати ўтказилиб, унда сенаторлар, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшлар масаласига бу қадар катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг аксарият кўпчилигини ёшлар ташкил этаётган бўлса, иккинчидан, давлатимизнинг эртанги куни, унинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг қудратли ва ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида билимли ва салоҳиятли ёшлар асосий ҳал қилувчи кучдир. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдроғини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, жамиятнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурилиши йўлида ёшларнинг ўрни ва роли ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти сифатида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантиришга қаратилган қонунчилик базаси вужудга келтирилгани, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ, Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида мамлакатимизда таълим ва касб-ҳунар дастурларини танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитлар яратилганлиги, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш масаласини ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий меъёрларнинг амалдаги ижроси ҳақида атрофлича фикрлар билдирилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунда, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мамлакатимиз Конституциясида, шунингдек, Истиқлол йилларида парламент томонидан қабул қилинган кўпчилик қонунларда ёшлар манфаатлари ўз аксини топганлиги эътироф этилди. Мамлакатимиз ёшларининг жаҳон андозалари талаблари асосида билим олишларини кафолатлайдиган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам ёшларга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

**Даврон НУРМАТОВ**

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# ИНГЛИЗ ТИЛИ БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

***Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ёшларнинг ўзи танлаган соҳалар бўйича пухта билим олиши билан бирга хорижий тилларни ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилаётир.***

Давлатимиз раҳбарининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши хорижий тилларнинг ўқитилиши узлуксиз таълимнинг муҳим қисмига айланишида муҳим аҳамият касб этди.

Бугун жажжи кичкинтойлар ҳам инглиз тилидаги «father», «mother», «motherlend» каби сўзларнинг ота, она, Ватан сингари улуғвор тушунчаларни англатишини яхши билади. Зотан, болажонлар боғчалардано қ, қолаверса, мактабларда биринчи синфда қизиқарли савол-жавоб, ўйин тарзидаги машғулотларда инглиз тили оламига олиб кирилмоқда. Ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар, фестиваллар ўғил-қизларнинг билимларини янада бойитишга хизмат қилаётир. Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида илк бор ташкил этилган «Инглиз тили билимдонлари» кўрик-танлови ҳақида худди шу фикрни айтиш мумкин.

— Мазкур кўрик-танлов мамлакатимизда таълим-тарбия, хусусан, чет тилларни ўқитиш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар истиқболидан ёрқин далолатдир, — дейди Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Танловнинг турли босқичларида 5-9-синф ўқувчилари барча шартлар бўйича пухта билимга эга эканини намойиш этди.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ўтказилган кўрик-танловнинг мамлакат босқичида ўз ҳудудида ғолибликни қўлга киритган 14 жамоа ўзаро баҳслашди.

Тадбирда мамлакатимизда барча соҳаларда халқаро алоқаларнинг кенгайиши ва кундан-кун ривожланиб бораётгани мутахассисларнинг хорижий тилларни мукаммал билишини тақозо этаётгани, ушбу кўрик-танлов бу борада айни муддао бўлгани таъкидланди.

Уч турдан иборат танлов давомида ўқувчиларнинг инглиз тилига доир билимлари синовдан ўтказилди. Жумладан, 5-6-синф ўқувчилари тест саволларига жавоб берган бўлса, 7-9-синф ўқувчилари танланган мавзу бўйича ижодий ёзма иш топширди.

Оғзаки савол-жавоб тарзида ўтган иккинчи турда 5-синф ўқувчилари географияга оид билимларини инглиз тилида ифодалашди. 6-синф ўқувчиларига муайян расм мазмунини, 7-синф ўқувчиларига тарихга доир билимларини сўзлаб бериш талаби қўйилди. 8-синф ўқувчилари инглиз тилидаги аудиоматнни тинглаб тушуниш ва гапириш маҳоратини намоён этган бўлса, 9-синф ўқувчилари видеотасвирни шарҳлаб беришди.

Саҳна кўриниши шартида иштирокчиларнинг жамоавий уюшқоқлиги, инглиз тилида равон сўзлаша олиш ва роль ижро этиш маҳоратига баҳо берилди.



Қизғин ва муросасиз кечган танлов якунида умумий баллар ҳисобига кўра Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Фарғона вилояти вакиллари иккинчи, Бухоро вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Қолган иштирокчилар ҳам махсус диплом ва совғалар билан рағбатлантирилди.

— Инглиз тили билимдонлари сифатида эътироф этилганимиздан жуда хурсандман, — дейди Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Зилола Ҳошимова. — Мен бу танловда иштирок этган ҳар бир ўқувчини ғолиб деб атаган бўлардим. Чунки маррага етиб келганлар, аввало, ўз вилоятининг билимдонлари, қолаверса, ушбу беллашувларда тўпланган тажриба, оширилган билим келажакда, албатта, ўз мевасини беришига ишонаман.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## 2014 йил — Соғлом бола йили

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

***Мамлакатимизда жорий йилнинг «Соғлом бола йили» дея эълон қилиниши биз, ФҲДЁ бўлимлари ходимларини ҳам беҳад қувонтирди. Чунки бу истиқлолнинг ўтган йилларида оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мантиқий давомидир.***

Албатта, мазкур йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланишида чуқур маъно-мазмун мужассам. Негаки, миллат келажаги, Ватан равнақи кўп жиҳатдан ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига, шу орқали оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга боғлиқ. Эътироф этиш керак, мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги, Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилиниши ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Дарҳақиқат, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши соғлом онадан соғлом бола туғилиб, оиланинг мустаҳкамланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Соғлом фарзанд оила бутунлигини таъминловчи, эр-хотин ўртасидаги ришталарни боғловчи кўприкдир. Соғлом оилавий муҳит соғлом авлоднинг камол топишида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз азалдан соғлом авлодни дунёга келтиришга алоҳида эътибор қаратиб келган. Хусусан, аждодларимиз қиз узатиш, келин танлашда бўлғуси қудаларнинг насл-насабини сўраб-суриштиргани ҳам шундан. Қувонарлиси, бугунги кунда ушбу анъана тиббий кўрик натижалари билан уйғунлашиб, оиланинг мустаҳкамлигини таъминламоқда. Фаолиятимиз давомида маҳаллаларда, мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Ҳар бир никоҳни қайд этишда тиббий кўрик натижаларига алоҳида эътибор берамиз. Бизни қувонтиргани, тиббий кўрикнинг аҳамиятини ёшларнинг ўзи тушуниб етиб, оила қурмоқда. Бу жараёнда эса ҳамкорликда олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бугун шуни алоҳида ифтихор билан айтамизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Оилада соғлом бола камол топар экан, бу нафақат ота-онанинг қувончи, балки жамият қудратини ҳам белгилайди. Шу маънода соғлом авлод ҳақида ғамхўрлик — бу келажак, порлоқ истиқболимиз ҳақида қилинаётган эзгу иш ҳисобланади.

**Шаҳноза КАМОЛОВА,**
**Яккасарой тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

## Анжуманлар

# ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ — АМАЛДА

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Жамоа шартномалари ва келишувларининг аҳамияти» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда амал қилаётган тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари ўртасида имзоланаётган жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.***

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, кучли ижтимоий муҳофазаси масаласи устувор вазифа сифатида белгиланганлиги, яъни инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият деб тан олинган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид бош келишув муҳим ўрин тутади. 2014-2016 йиллар учун тузилган ушбу ҳужжатда иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, энг кам иш ҳақи Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари белгиланган. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, маънавий-маърифий ва спорт ишлари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, бош келишувдан аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолат ҳамда имтиёзлар бериш, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига риоя этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва иш жойларида қўнимлиликни алоҳида назоратга олиш каби вазифалар ўрин олган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши давлат идоралари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар вакилларидан тузилган уч томонлама комиссия тарафидан доимий равишда назорат қилиб борилмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14та ҳудудий, 85та тармоқ келишувлари ва бевосита корхоналарда 97 минг 577та жамоа шартномалари амал қилмоқда. Улар орқали ходимлар қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлардан ташқари қўшимча имтиёз ва қулайликлардан ҳам фойдаланмоқдалар.

Ўтган 2013 йил якунларига кўра, мамлакатимизда юридик шахсларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраш 96,3 фоизни ташкил этди. Улар орқали 4миллион 171 мингга яқин (98,7 фоиз) ишловчиларнинг манфаатлари қамраб олинган. Қабул қилинган жамоа шартномаларининг сони 2012 йилга нисбатан 3 минг 772 тага кўпайган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш масалалари ҳал этилмоқда. Ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан бандлигига эришилиб, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этилиши таъминланмоқда.

Жамоа шартномаларида белгиланган ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тизимли тадбирлар натижасида 2013 йилда касаба уюшма маблағларидан 32 минг 535 нафар битирувчига ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида ҳамда касб-ҳунар коллежларини имтиёзли диплом билан тугатиб, ишга жойлашган ёш мутахассисларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда жами 744,5 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшмалари томонидан 69 мингга яқин корхона ва ташкилотда битирувчиларнинг иш жойларидаги қўнимлилиги бўйича мониторинг йўлга қўйилди. Булар албатта мамлакатимизда инсон манфаати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Тадбирда шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ёшларга хорижий тилларни ўргатиш, спортга жалб қилиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оилалар, оналарга моддий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор аниқ мақсадларга қаратилган режалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Сифатли тиббий хизмат: унда ким қандай имтиёзга эга? Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул ва пуллик хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бошқармалар бошлиқлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари, даволаш клиникалари бош шифокорлари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар ҳозирги кунда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга, соғлиғимизни муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган тиббий хизматлар билан таъминланиш, масалалари, хусусан, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, инсон саломатлигини муҳофазалаш, тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази директори А. Агзамов тизимда бепул ва пуллик тиббий хизмат кўрсатишнинг тартиб-қоидалари тўғрисида батафсил маълумот берди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар бепул кўрсатилади. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари хизматлар қўшимча ҳисобланади ва белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилади.

Тадбирда қайд этилганидек, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар доирасига шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ва давлат тасарруфидаги даволаш-профилактика, ижтимоий хавфи юқори бўлган сил, хавфли ўсма, руҳий, наркологик, эндокринологик, касб касалликларига чалинган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш киради.

Шунингдек, болалар ва ўсмирлар, чақирув комиссияси йўлланмасига эга бўлган чақириқ ёшидаги фуқаролар, ҳомиладор аёллар, имтиёзли тоифага эга аҳоли қатламига ҳам бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Бу борада сарфланаётган барча харажатлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида тиббиёт тизимида пуллик хизматни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бепул ва пуллик тиббий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2011-2014 йилларда ўнга яқин норматив ҳужжатлар қабул қилинди, бир неча бор тиббиёт муассасалари раҳбар ва масъул ходимлари учун ўқув семинарлари ўтказилди.

Мамлакатимиздаги мавжуд даволаш-профилактика муассасалари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида ҳам пуллик хизмат кўрсатишнинг замонавий тамойиллари жорий этилган. Бу аҳолининг замонавий тиббий ёрдамдан унумли фойдаланиши, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари тиббиёти ва илм-фани эришаётган илғор ютуқларни тиббиёт тизимига кенг жорий этишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инсон манфаатлари, ижтимоий ҳимоя устувор этиб белгиланган мамлакатимизда инсонлар саломатлигига ғамхўрлик давлатимизнинг доимий эътиборида. Соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги масаласи давлатимизнинг бош мақсадларидан бирига айланганлиги ҳам бежиз эмас.

Зеро, юртимизда инсон саломатлигини ҳимоялаш энг устувор вазифа сифатида эътироф этилаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар бир тиббиёт ходимини янада фаолликка ундайди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоб олдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!*

**Ўзининг шонли ва бой тарихига ҳамда Марказий Осиёда ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мавқеига эга Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти қуйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:**

**1. Табиий-илмий фанлар кафедраси бўйича:**
кафедра мудири, профессор (олий математика) –1 ўрин;
кафедра мудири ўринбосари, доцент (олий математика) –1 ўрин;
доцент (олий математика) –1 ўрин;
доцент (умумий физика) –1 ўрин;
доцент (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (олий математика) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (умумий физика) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) –1 ўрин;
ўқитувчи (олий математика) –1 ўрин;
ўқитувчи (умумий физика) –1 ўрин;
ўқитувчи (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) –1 ўрин.

**2. Тиллар кафедраси бўйича:**
кафедра мудири, профессор (инглиз тили) –1 ўрин;
кафедра мудири ўринбосари, доцент (инглиз тили) –1 ўрин;
доцент (инглиз тили) –1 ўрин;
доцент (немис тили) –1 ўрин;
доцент (рус тили) –1 ўрин;
доцент (ўзбек тили) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (инглиз тили) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (француз тили) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (немис тили) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (форс тили) –1 ўрин;
ўқитувчи (инглиз тили) –1 ўрин;
ўқитувчи (немис тили) –1 ўрин;
ўқитувчи (форс тили) –1 ўрин;
ўқитувчи (рус тили) –1 ўрин.

**4. Ахборот технологиялари кафедраси бўйича:**
профессор (информатика ва ахборот технологиялари) –1 ўрин;
доцент (информатика ва ахборот технологиялари) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (информатика ва ахборот технологиялари) –1 ўрин.

**5. Зирҳли танк ва автомобиль техникаларининг тузилиши ва улардан фойдаланиш кафедраси бўйича:**
доцент (электротехника ва электроника асослари) –1 ўрин;
ўқитувчи — тўгарак раҳбари (автотехника) –1 ўрин.

**6. Ҳарбий психология кафедраси бўйича:**
доцент (умумий психология, шахс психологияси) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (амалий психология) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (фалсафа, этика, эстетика, логика) –1 ўрин;
ўқитувчи (ижтимоий психология) –1 ўрин;
ўқитувчи (социология) –1 ўрин.

**7. Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий таркиб билан ишларни ташкиллаштириш кафедраси бўйича:**
доцент (Ўзбекистон тарихи, диншунослик) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (ҳуқуқ. ЎР конституцияси) –1 ўрин;
катта ўқитувчи (педагогика ва психология. Риторика) –1 ўрин;
ўқитувчи (иқтисодий назария) –1 ўрин;
ўқитувчи (миллий истиқлол ғояси, сиёсатшунослик) –1 ўрин.

**8. Қўшинлар кундалик фаолиятини бошқариш кафедраси бўйича:**
доцент (бошқарув фаолияти асослари, менежмент) –1 ўрин;
ўқитувчи (экология, бошқарув фаолияти асослари, менежмент) –1 ўрин.

**9. Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси бўйича:**
тренер — ўқитувчи (Айкидо мураббийи) –1 ўрин.

**10. Тактика кафедраси бўйича:**
ўқитувчи — тўгарак раҳбари (моделлаштириш ва симуляция) –1 ўрин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

*билим юрти бошлиғи номига ариза;*
*кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
*олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.*

*Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим.*

*Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.*

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2-уй. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти. Телефон:267-14-91, 268-56-70.**

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

| № | Бошқарма ва туман бўлимлари | Ишонч телефони рақамлари |
|---|---|---|
| 1 | Бошқарманинг навбатчилик қисми | 241-92-05 |
| 2 | Бектемир туман бўлими | 295-18-90 |
| 3 | Мирзо Улуғбек туман бўлими | 237-44-82 |
| 4 | Мирobод туман бўлими | 215-67-07 |
| 5 | Олмазор туман бўлими | 228-01-00 |
| 6 | Сергели туман бўлими | 258-75-71 |
| 7 | Учтепа туман бўлими | 271-52-06 |
| 8 | Ҳамза туман бўлими | 289-59-88 |
| 9 | Чилонзор туман бўлими | 271-12-56 |
| 10 | Шайхонтоҳур туман бўлими | 230-31-85 |
| 11 | Юнусобод туман бўлими | 234-20-67 |
| 12 | Яккасарой туман бўлими | 250-13-66 |

«Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси» хорижий корхонаси жамоаси корхонамизнинг собиқ раҳбари

**Шавкат Ҳамроқулович БАКОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Спорт янгиликлари

# МАҲОРАТ СИНОВИ

***Шаҳримиздаги «Жар» спорт мажмуасида 14-16 ёшдаги ўсмирлар ва қизлар ўртасида самбо бўйича Тошкент шаҳар чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.***

Турнирда республика ва халқаро мусобақаларда ҳам ўз маҳоратини кўрсатишга интилаётган юзга яқин иштирокчилар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Чемпионат давомида кўпгина беллашувларда ёш спортчилар тегирмон, тиззадан ошириб отиш каби усулларни қўллаб, ишқибозларнинг олқишларига сазовор бўлишди. Айнан шундай ажойиб усулларни қўллаган спортчилар зафар қучиб, биринчи ва иккинчи ўринларнинг соҳиблари бўлишди.

Ҳаяжонли финал баҳсларидан сўнг қизлар ўртасида 36 килограммгача вазнда З.Расулова, 45 килограммлилар ўртасида С.Раҳимжонова, 55 килограммлилар баҳсида Н.Лунина, 59 килограммгача қизлар ўртасида В.Суйковалар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди.

Ўсмирлар еттита вазн тоифасида кураш олиб боришди, якуний натижаларга кўра И.Аҳмаджонов, Ф.Хўжаев, З.Самиков, Н.Бахтиёров, А.Байзаков, С.Каримов, Н.Нурбековлар шаҳар чемпионлари бўлишди.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА: чемпионат баҳсларидан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**

# «ПАХТАКОР»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

***Мамлакат XXIII миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги 6-тур баҳсларидан сўнг турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган «Пахтакор» олтинчи ғалабасини тантана қилди.***

Ушбу турда Самвел Бабаян шогирдлари Самарқандда «Динамо» жамоаси меҳмони бўлишди. Айтиш жоизки, ўйин жуда қизиқарли кечди. Ҳар икки жамоа вакиллари ғалаба қозониш мақсадида ҳужумкор ўйин намойиш этишга интилишди. Баҳснинг асосий вақти якунланганида ҳам 1:1 ҳисоби қайд этилаётган эди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган қўшимча дақиқадагина тошкентликлар ғалабани қўлга киритишди. Дарвозаларга голларни «Динамо»дан — Зайниддин Тожиев, «Пахтакор»дан — Сергеев ҳамда Кримец йўллашди.

Шунингдек, Бухорода «Бухоро» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» бу сафар очко йўқотди. Муросасиз баҳс 1:1 ҳисобида якунланди.

Жорий йилда чемпион бўлишга астойдил интилаётган «Локомотив»га ўз майдонида «Андижон»ни йирик 4:0 ҳисобида мағлуб этиш қийинчилик туғдирмади. Фарҳод Тожиев (2 та), Иван Нагаев (2 та) голларга муаллифлик қилишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Машъал» — 0:0, «Олмалиқ» — «Қизилқум» — 1:0, «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» — 4:2, «Насаф» — «Металлург» — 0:0.

***Пойтахтимизда сув полоси бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.***

# ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Саккиз жамоа ғолиблик учун кураш олиб борган беллашувлар қизиқарли ва муросасиз курашларга бой кечди. Чемпионат ғолиблиги учун кураш мусобақага пухта ҳозирлик кўрган МҲСК ва Халқ таълими вазирлиги жамоалари ўртасида кечди. Қизғин беллашув якунида Халқ таълими вазирлиги жамоаси чемпион деб эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар мутасаддилар томонидан рағбатлантирилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Хабарингиз бор, шу йилнинг 9-23 октябрь кунлари Мьянма мамлакатида футбол бўйича 19 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Мазкур чемпионатнинг финал босқичига қуръа ташланди ва терма жамоаларнинг гуруҳ босқичидаги рақиблари маълум бўлди.***

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗ РАҚИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Қуръага кўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг «В» гуруҳида Австралия, БАА ва Индонезия футболчиларига қарши тўп сурадиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Мьянма мамлакати мезбонлик қиладиган Осиё чемпионатида Сергей Лушан бош мураббийлигидаги 1995 ва ундан кейинги йилларда туғилган ёшлардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иштирок этади.

Қуйида чемпионатнинг гуруҳ босқичида тўп сурадиган жамоалар билан таништириб ўтамиз.

«А» гуруҳи: Мьянма, Эрон, Таиланд, Яман.

«В» гуруҳи: Ўзбекистон, Австралия, БАА, Индонезия.

«С» гуруҳи: Жанубий Корея, Япония, Хитой, Вьетнам.

«D» гуруҳи: Ироқ, КХДР, Қатар, Уммон.

# ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

***Болгариянинг София шаҳрида дунёнинг 105 давлатидан ташриф буюрган боксчилар ўртасида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этдилар.***

Ушбу жаҳон чемпионатининг яна бир аҳамиятли жиҳати шунда эдики, унда ғолиб бўлган боксчилар жорий йил Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказиладиган II ўсмирлар Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритардилар.

69 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган моҳир чарм қўлқоп устамиз Бектемир Меликўзиев финал баҳсида хорватиялик Лука Пренджака билан олтин медаль учун кураш олиб борди.

Шиддатли кечган беллашув якунида ҳакамлар уч раунд натижасига кўра, Бектемирни жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор деб топдилар.

49 килограммгача бўлган вазнда ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Сулаймон Латипов кумуш медални қўлга киритди. 60 килограммда Иқболжон Холдоров ва 75 килограмм вазн тоифасида Козимбек Мардоновлар бронза медали билан тақдирландилар.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

## Кўргазмалар

# РАНГТАСВИРДАГИ ЖИЛОЛАР

***Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида истеъдодли рангтасвирчи рассом Мухтархон Исановнинг «Жадий буржи» номли шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.***

Мухтархон Исанов бошқа рассомларга ўхшамайдиган ижодий услубга эга ижодкор бўлиб, ранг контрастида қурилувчи ёрқин колоритли манзарали декоратив услубда фаолият кўрсатади. У ранг, композиция, асар ритмикасида аниқлик тарафдори. Рассом сифатида нафақат Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси, балки шарқ бадиий маданиятининг ҳам тасвирчиси ҳисобланади. Бу эса унинг асарлари мавзуси, образлари ва мотивлари, рангтасвир услубида ўз аксини топиб келмоқда.

Кўргазмадан рассомнинг «Водийлик келин», «Қиролича», «Парининг тонги», «Анорли жаннат», «Фаришта ва йиртқич», «Шарқона мистериялар», «Фаришта қаноти остида», «Қувноқ чойхона» каби бир қатор асарлари жой олган. Таъкидлаш жоизки, кўргазма доирасида муаллифнинг маҳорат билан ишланган графика асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

Мухтархоннинг мустақил ижоди мамлакатимизнинг истиқлолга юз тутиши билан ҳамқадам бўлиб, ёш рассомлар ижодида ҳур ва озод Ватан туйғуси йўналиши пайдо бўлиши билан бошланди. Мана қарийб чорак асрки, у ўз ижодий йўлидан одимламоқда. Дарвоқе рассом учун ижодда «Мен»ини топиш осон кечмади. Бунда унинг замонавий бадиий ижодда намоён бўлиб келаётган миллий мавзуларга, миллий санъат анъаналарига, ривоятларга, кенг қамровда Шарқнинг афсонавий образларига мурожаати айни муддао бўлди.

М.Исанов устози Ўзбекистон Халқ рассоми Раҳим Аҳмедов қўлида академик таълим бўйича таҳсил олди.

Ҳозирги пайтда М.Исановни рангтасвирчилар авлодининг ёрқин намояндаларидан бирига айланди, десак хато бўлмайди.

**Мурувватхон КАРИМЖОН қизи,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# СУЮКЛИ ДИЁР МАНЗАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг К.Беҳзод мемориал боғ-музейида рассом Мурод Умарнинг «Соғлом бола йили»га бағишланган «Суюкли диёр» деб номланган кўргазмаси очилди.***

Унда 50 дан ортиқ рангтасвир, график асарлар қўйилган бўлиб, тасвирларда юртимиз табиати манзаралари, натюрмортлар, гуллари, йил фасллари, портретлар, беғубор болалик, тарихга айланиб бораётган қадриятларимизни эслатувчи турар жойларнинг айрим томонлари, миллий маданиятимиздан лавҳалар, ҳаёт фалсафаси акс этган.

Улар орасида муаллифнинг «Ассалом Наврўз», «Андижон тарвузи», «Чойнак ва пиёла», «Отамдан қолган далалар», «Бешик тўйига», «Қамчиқ довони болалари», «Ширин бобо», «Гўзалликка интилиш» каби асарлари экспозициядан ўрин олган.

Мурод Умар 1954 йилда туғилган бўлиб, Тошкент давлат педагогика институтида графика бўйича таҳсил олган. 1985 йилдан Андижон санъат коллежида ишлайди. Хорижда ва республикамизда ўзининг қатор шахсий кўргазмалари билан қатнашган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг дипломи билан тақдирланган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Мутахассис маслаҳати

# ШИФОКОРГА ЎЗ ВАҚТИДА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

***Тепки (эпид паротит) ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан сўлак безларини, қулоқ атрофидаги безларни шикастлайди. Қўзғатувчиси ташқи муҳитда резистентлиги кам бўлган фильтрланувчи вирусдир. Бу қўзғатувчи парамиксовируслар гуруҳига киради.***

Инфекция манбаи шу касаллик билан оғриган бемор ҳисобланади, унинг юқумлилик пайти инкубацион даврининг охирги кунидан бошланади ва 7-9 кун давом этади. Инфекция асосан ҳаво томчи йўли билан юқади. Тепки билан кўпинча 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар касалланади. Кичик ёшдаги болалар орасида бу касаллик кам кузатилади, бир ёшгача бўлган гўдакларда учрамайди. Бемор тузалгандан сўнг, унда турғун иммунитет пайдо бўлади. Паротитнинг эпидемияси йилнинг ҳамма фаслларида, кўпроқ куз ва баҳор ойларида қайд этилади. Юқори нафас аъзоларининг шиллиқ пардалари инфекциянинг кириш дарвозаси бўлиб хизмат қилади, вирус шу аъзолар орқали қон оқимига тушади, кейин сўлак безлари ва бошқа жойларда ўрнашади.

Касалликнинг инкубацион даври 18-20 кун, баъзан 11 кундан 23 кунгача чўзилади. Касаллик сўлак безлари шишидан (кўпинча бир томони) бошланади. Сўлак безининг шишганлиги, айниқса атрофи кўриниб қолади, кейин шиш қулоқ орқасига ва остига тарқалади. У хамирга ўхшаш бўлади, терининг кўриниши ўзгармайди. Бола овқатни чайнаганда ва ютганда оғриқ сезади. Баъзан бу жараёнда жағ ости сўлак безлари ҳам иштирок этади. Шиш бир неча кун туради, ҳеч қачон йирингламайди ва 8-10 кунга бориб бутунлай йўқолиб кетади.

Кўпчилик болаларда касалланиш жараёнида фақат қулоқ атрофидаги сўлак безлари эмас, балки жағ ости сўлак безлари ҳам шикастланади. 10-15 фоиз беморларда фақат жағ ости сўлак безларининг шикастланиши кузатилади. Баъзан касалликнинг яширин даври аниқланади. Тепкида ўткир орхитлар, офоритлар, панкреатитлар, серозли менингитлар, бундан ташқари, энцефалитлар, эшитиш нервлари зарарланиши қайд этилади. Шу боис касаллик белгилари пайдо бўлганидан сўнг дарҳол шифокорга мурожаат қилиш ва муолажани бошлаш лозимдир. Бемор касаллик бошлангандан тортиб 9 кунга алоҳида қилиб қўйилади. Бу касалликка қарши фаол иммунизация мақсадида ишлатиш учун тирик зардоб (эмланганлар орасида касалликни 10 марта камайтиради) қўлланилади. Ушбу касалликни вақтида даволаш асоратлар қолишининг олдини олишда муҳим омилдир.

**Ҳамида МАҲКАМОВА,**
**1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 27 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I. Чилонзор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 23 июнь кунги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:**

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотурар жой. Бошланғич нархи – 2 196 831 600 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотурар жой. Бошланғич нархи – 2 246 370 300 сўм.

**II. Миробод туман СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 2011 йил 25 августдаги 406/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:**

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 54-хонадонда жойлашган, умумий майдони 28,97 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 50 456 438 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 72-хонадонда жойлашган, умумий майдони 38,57 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 65 666 184 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 61-хонадонда жойлашган, умумий майдони 62,90 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 121 044 277 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уй, 46-хонадонда жойлашган, умумий майдони 28,87 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 49 580 541 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олой мавзеси, 50-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,50 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 116 159 763 сўм.

**III. Миробод туман СИБ томонидан:**

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миришкор 4-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 м.кв. бўлган 1 қаватли уй-жой. Бошланғич нархи – 174 697 828 сўм.

2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 222 090 928 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни қўйиш жойи. Бошланғич нархи – 40 346 500 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

*Лицензия: № RR-0017.*

**Билдириш**

1. «Тошкент оқшоми» газетасининг 2014 йил 22 апрелдаги 79-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Мевазор кўчаси, 14-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Олмазор тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 23 апрель кунги хабарномасига асосан тўхтатилди.

**«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.**

**«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда: Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан: 1. 15.08.2011 й. № 25578-85/22-25-12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и.ч. «SK-24» д.р. 19 A 351. Бошланғич баҳоси – 23 040 350 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 16 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 22.08.2013 й. № 58980/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 T 836 LA. Бошланғич баҳоси – 18 813 000 сўм. 3. 07.01.2014 й. № 613/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и.ч. «Матиз» д.р. 10 A 532 GA. Бошланғич баҳоси – 22 016 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 2 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «New Trans Alliance» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99. Гувоҳнома: 004593

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**
**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2010 йил 27 сентябрда рўйхатга олинган реестрдаги тартиб рақами № 168 сонли гувоҳномага эга бўлган «Азамат Аъзам» савдо МЧЖ (ИНН №301 707107) фирма ўз фаолиятини тугатади.

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. Тел: +99894 435-03-83

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 май** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 556
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11615 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ